




O'ZBEKİSTONDA ZAMONAVİY TILSHUNOSLIK: TILLAR TA'LİMİ VA TADQIQI



RESPUBLİKA İLMIY-AMALİY
KONFERENSIYASI TO'PLAMI

2024-yil 26-aprel

**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MUDOFAA VAZIRLIGI
O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI QUROLLI KUCHLARI AKADEMIYASI
TILLAR KAFEDRASI**

**2024-yil 26-aprel kuni o'tkazilgan "O'zbekistonda zamonaviy
tilshunoslik: tillar ta'limi va tadqiqi" mavzusidagi
respublika ilmiy-amaliy konferensiya**

MATERIALLARI TO'PLAMI

Toshkent-2024

Для дальнейшего развития обучения русскому языку как иностранному необходимо продолжать исследования в данной области, анализировать опыт других стран и адаптировать лучшие практики к отечественным условиям.

Также важно сотрудничать с международными языковыми и образовательными организациями для обмена опытом и создания сети профессионального развития преподавателей русского языка как иностранного.

СПИСОК ЛИТЕРАТУРЫ:

1. Павлова, О. А., & Соловьева, Е. А. (2016). Русский язык как иностранный: современные методы и подходы к обучению. Вестник Томского государственного университета. Филология, (3), 115- 129
2. Калинина, Е. М., & Солодушкина, К. К. (2016). Мобильные приложения в обучении русскому языку иностранных студентов: проблемы и перспективы. Вестник Московского государственного областного университета. Серия «Естественные и технические науки», (2), 98-104.
3. Левицкая, Т. Н., & Лотц, Н. Г. (2012). Интеграция межкультурного подхода в обучение русскому языку как иностранному. Вестник Санкт-Петербургского университета. Язык и литература, (2), 143-150.

**“АЛПОМИШ” ДОСТОНИДА ФИТОНИМЛАРНИНГ МИЛЛИЙ-МАДАНИЙ
ХУСУСИЯТЛАРИ**

*Асқарова Шахноза Камолидиновна,
ТДШУ докторанти*

Дунёда ҳар бир нарсанинг – хоҳ у ўсимлик, хоҳ жисм, хоҳ ҳайвон, хоҳ инсон бўлсин, ўз номи бўлиб, ўсимлик номлари “фитонимлар” дейилади. “Фитоним” сўзи юононча “phyton” – ўсимлик ва “onuma” – исм ёки бошқа бир манбада лотинчадан “phytos” – “ўсимлик”, “onuma” – “ном” деган маъноларидан шаклланганлиги келтирилган”.

Немис инглиззабон олимаси У.Кришке таъкидлаганидек, фитонимларни таҳлил қилиш уч фан – тилшунослик, фалсафа ва ботаника доирасида бўлиши лозим. Фалсафий нуқтаи назардан, ўсимликлар деганда табиий турлар, яъни одамлар томонидан бирон бир вазифани бажариш учун эмас, балки табиий равишда гурухланган объектлар тушунилади. Шунинг учун фитонимлар – табиий турларни билдирувчи атамалар табиатда ҳақиқатда мавжуд бўлган хусусиятларни акс эттиради. Бу жиҳатдан фитонимлар антропоним ва топонимларга яқин бўлиб, улар реал одамлар ва реалобъектларни ҳам ифодалайди. Аммо, бу лексик гурухларидан фарқли ўлароқ, фитонимлар маълум одамлар ва алоҳида жойларни эмас, балки маълум хусусиятларга эга бўлган ўсимликларнинг бутун оламини билдиради. Ўсимликларнинг халқ номларини миллий маданият билан чамбарчас боғлиқ ҳолда ўрганган француз этнолингвист олими Э.Вилайлек фитонимларни қўйидагича тасвиirlайди: “Фитономиянинг лингвистик тузилиши, ўсимликларнинг таснифлаш усули

айни бир маданият белгилари ҳақида деярли мукаммал тасаввур бера олади”. Рус олимаси Е. К.Алешинанинг фикрича, фитонимлар халқ ботаника номенклатурасининг бирликлари сифатида белгиланади ва фитотерминларга яъни ўсимликларнинг илмий терминларига зиддир.

А.М.Летованинг жуда оригинал тадқиқоти фольклор матнларида фаол учровчи ўсимлик номларининг тематик гурухлари иерархик тузилишини таҳлил қилишга бағишиланган. Унда номинатив, лингвомаданий, фольклор ва фразеологик позициялардан келиб чиққан ҳолда фитонимлар семантикасининг тизимли тавсифи берилган. Асар долзарб тадқиқотлар доирасига киради, чунки уни ўрганиш маркази дунёning фольклор лисоний манзарасининг асосий йўналишларидан бири - фитонимлар соҳаси бўлиб, унинг семантик хусусиятлари шунингдек, фольклор дунёқарашнинг стереотиплари метафора ва коннотация орқали амалга оширилади. Диссертация ишининг асосий тамойилларидан бири тилшунослик ва фольклор соҳаларида ўсимлик номинацияларининг семантик хусусиятларини ифодаловчи фитонимлар семантик соҳасининг қурилиши бўлди. Таснифлаш ёндашуви инсоннинг жисмоний ва ақлий тузилиши, унинг ҳиссий соҳаси, маънавий фаолиятининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда фитонимни номинатив, лингвомаданий, фольклор ва фразеологик позициялардан фольклор сўзи сифатида ўрганиш усулларини белгилашга имкон берди.

Илм-фанинг шиддат билан ривожланиши, илмий изланишларнинг ҳар соҳада кенгайиши туфайли тилшуносликдаги атоқли отларнинг фитонимлар (ўсимлик ва дараҳтларга қўйиладиган маҳсус атоқли отлар), документонимлар (тариҳий ҳужжатлар, актлар, қонунларга қўйилган атоқли отлар), хрематонимлар (баъзи қурол-яроғ, қимматбаҳо буюм ва мусиқа асбоб-ускуналарига берилган атоқли отлар), хрононимлар (маълум тариҳий даврлар, алоҳида кунлар, саналар, тариҳий воқеа ва анжуманларга берилган номлар) сингари турлари ҳам пайдо бўлди. А.В.Суперанская атоқли отлар тизимига кирувчи отларни илмий нуқтаи назардан таҳлил қилас экан, бу сатҳнинг бирликлари деб бу жабҳанинг бирликлари сифатида антропонимлар, зоонимлар, мифонимлар, спелеонимлар, дремонимлар, пелагонимлар, лимонимлар, гелонимлар, потамонимлар, гидронимлар, документонимларни, шунингдек, ҳали тилшуносликда маҳсус номга эга бўлмаган ҳаракат воситалари атоқли оти, байрам, юбилей, тантаналар ва бошқа маросимлар номи, баъзи муҳим тадбирлар компаниялар, урушлар номи, адабиёт ва санъат асарлари номи, табиат стихияларига берилган атоқли отлар қатори фитонимларни ҳам тилга олиб ўтади.

Г.Неъматовага кўра фитоним термини ономастик ва ономасиологик маъно ва қўлланишларга эга. Фитоним термини ономастикада ўсимликларга қўйилган маҳсус атоқли номларни блдиради. Ономасиологияда ўсимлик номлари маъносида қўлланиб, ўсимликларнинг туркум, нав, хил

кўринишларини атаб келувчи апеллятивларни, яъни оддий сўзлар мажмуини билдиради.

Антропоним, зооним ва фитонимларнинг умумий талқини сифатида бионимлар – жонли организмлар (одам, ҳайвон, ўсимликлар) деб аташни таклиф этилган. Биз бу фикрга тўлиқ қўшиламиш.

Кўйида “Алпомиш” достонида учрайдиган фитонимларни кўриб чиқамиз:

ГУЛ 2 Атиргул ва умуман зийнат учун экиладиган ўсимлик.

ГУЛЛАР Гулнинг кўплик маъноси.

ХАЗОН 1 Кузда сарғайиб тўкиладиган барглар. **خزان** [xazōn]

ГУЛШАН 1 Гулзор, гулбоғ, чаманзор.

ЎТ II Пояси ёғочланмайдиган, чорва моллари учун асосий озуқа бўладиган яшил ўсимлик; алаф.

МАЙСА Янги унган ўт-ўлан.

БОҒ 1 Мевали дараҳт, ток ва гул билан банд ер майдони; мевазор.

ЛОЛА 1 бот. Лоладошлар оиласига мансуб, йирик, чиройли гулли кўп ийллик ўсимлик; манзарали экма гул ва унинг қизил, сариқ ёки тарғил гули.

ЭКИН Ҳосил олиш учун экилган ҳар қандай уруғдан униб-ўсган ўсимлик.

АРПА Ғалладошлар оиласига мансуб, дони овқатга ва ем сифатида ишлатиладиган бир ва кўп ийллик ғалла ўсимлигига унинг дони, ғалласи.

БУҒДОЙ Ғалладошлар оиласига мансуб ўтсимон ўсимлик ва унинг дони, ғалласи.

СОМОН Буғдой, арпа, шоли янчилганда, пояларининг эзилиб янчилишидан ҳосил бўладиган, маҳаллий бинокорликда ва ем-хашак сифатида ишлатиладиган маҳсулот.

ШОЛИ 1 Иссик мамлакатларда ботқоқда ўсадиган, бошоқларида гуручетишидаган дон ўсимлиги; шу ўсимликнинг оқланмаган, гуруч ҳолига келтирилмаган ҳосили.

ШОЛИ -ШОЛДАМ

Катта ҳажмдаги иш ва унга жалб қилинган кенг қамровли материаллар унинг ўзига хослигидан далолат беради.

Маълумки, лингвомаданият – халқ маданиятининг тилда ўрнашиб, унда акс этадиган кўринишларини ўрганиди, тилни маданият ҳодисаси сифатида ўрганиди, оламни миллий тил орқали кўриш, тил ўзига хос миллий менталитетнинг ифодаси сифатида намоён бўлади. Дарҳақиқат тил маданиятнинг аҳамиятли бир бўлаги сифатида мулоқот жараёнида миллий маданиятни акс эттиради. Тилшунослик ва маданиятшуносликнинг кесишган қисмини ўрганадиган соҳадир.

Демак, “Алпомиш” достони ва унинг инглизча таржима матларини лингвистик манба сифатида атрофлича ўрганиш мазкур мавзунинг долзарблигини белгилайди. Асарда келтирилган маълумотларга кўра азалдан халқимиз наботот ва ҳайвонот олами билан чамбарчас боғлиқ бўлган ва бу каби омиллар бутун инсоният ҳаётининг ажралмас қисми эканига гувоҳ

MUNDARIJA

1	<i>Ахмедова Хулкар Олимжоновна</i> , ИГРОВЫЕ ТЕХНОЛОГИИ – УЧЕБНАЯ ЗАДАЧА И КОМБИНАЦИЯ ПРИЁМОВ	5
2	<i>Абдуллаева Севара Худаёрова</i> , СОВРЕМЕННАЯ ЛИНГВИСТИКА В УЗБЕКИСТАНЕ: ПРЕПОДАВАНИЕ ЯЗЫКОВ И ИХ ИССЛЕДОВАНИЕ	8
3	<i>Абдуллаева Санобар Хамзаевна</i> , ҲАРБИЙ БИЛИМ ЙОРТЛАР КУРСАНТЛАРИНИНГ ОҒЗАКИ НУТҚИЙ КОМПЕТЕНЦИЯЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ ПЕДАГОГИК ИМКОНИЯТЛАРИ	11
4	<i>Абдураимова Шахида Миржалиловна</i> , ИЗУЧЕНИЕ ИНОСТРАННЫХ ЯЗЫКОВ ВОЕННОСЛУЖАЩИМИ НА СОВРЕМЕННОМ ЭТАПЕ РАЗВИТИЯ ВООРУЖЕННЫХ СИЛ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН	15
5	<i>Abdurahimova Dilfuzaxon, Ubaydullaeva Aziza</i> , CHET TILLARIINI O'QITISHDA AXBOROT-KOMMUNIKATSIIYA TEXNOLOGIYALARIDAN FOYDALANISHNING PEDAGOGIK XUSUSIYATLARI	19
6	<i>Abduraximova Marjona</i> , THE ROLE OF FEMALE WRITERS IN ENGLISH LITERATURE	28
7	<i>Abduraximova Marjona</i> , HUMOR AND SATIRE IN W.SHAKESPEARE'S COMEDIES	31
8	<i>Anorboev Abdulla Abduhakimovich</i> , BO'LAJAK ZAXIRADAGI OFITSERLARNING TEXNOLOGIK KOMPETENTLIGINI RIVOJLANTIRISHNING PEDAGOGIK SHART-SHAROITLARI	33
9	<i>Акбарова Диором Ахатовна</i> , РЕЗУЛЬТАТИВНЫЕ ОБРАЗОВАТЕЛЬНЫЕ ТЕХНОЛОГИИ НА УРОКАХ РУССКОГО ЯЗЫКА	37
10	<i>Акрамова Наргиза Сайдрахимовна</i> , МЕТОДИКА ПРЕПОДАВАНИЯ РУССКОГО ЯЗЫКА: СОВРЕМЕННЫЕ МЕТОДЫ И ПОДХОДЫ К ОБУЧЕНИЮ	40
11	<i>Асқарова Шахноза Камолидиновна</i> , "АЛПОМИШ" ДОСТОНИДА ФИТОНИМЛАРНИНГ МИЛЛИЙ-МАДАНИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ	45
13	<i>Asqarova Mushtariy Ravshanjon qizi</i> , THE HISTORY OF ENGLISH LANGUAGE IN TERMS OF SOME WORDS	48
14	<i>Axunov Rustam Narimbaevich</i> , TA'LIMDA INNOVATION VA AGOGIK TEXNOLOGIYALARING O'RNI	52
15	<i>Badalbayeva Maloxat Yulchiyevna, Jo'rayer Alisher, Maruffjonov Axror</i> , RAQAMLI TEXNOLOGIYALAR ORQALI XORIJUY TILLARNI O'QITISH (METODLAR VA TAVSIYALAR)	56
16	<i>Badalbayeva Maloxat Yulchiyevna, Abdullayev Azimjon, Egamberdiyev Izzat</i> , CHET TILLARINI O'QITISH METODLARINI DARS JARAYONLARIDA QO'LLASH	59
17	<i>Bakirova A.I., Sotkulova D.O.</i> , MEDIATION SKILLS IN THE ENGLISH LANGUAGE CLASSROOM	61
18	<i>Воронцова Наталья Владимировна</i> , НЕМЕЦКИЙ ЯЗЫК В СОВРЕМЕННОМ МИРЕ: ИССЛЕДОВАНИЕ СТАТУСА И ВОПРОСЫ МЕТОДИКИ ПРЕПОДАВАНИЯ	66
19	<i>Эгамназарова Зулхумор Кодировна</i> , ИСПОЛЬЗОВАНИЕ ЛИНГВОСТРАНОВЕДЧЕСКОГО МАТЕРИАЛА НА ЗАНЯТИЯХ ПО РУССКОМУ ЯЗЫКУ	71